

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УСАРОВ ЖАББОР ЭШБЕКОВИЧ

**ТАЯНЧ ВА ФАНГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАР АСОСИДА ТАЪЛИМ
МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЎҚУВЧИЛАР
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(физика фанини ўқитиш мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)

Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Усаров Жаббор Эшбекович

Таянч ва фанга оид компетенциялар асосида таълим мазмунини
такомиллаштириш ва ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш... 3

Усаров Джаббор Эшбекович

Совершенствование содержания образования и развитие компетентности
учащихся на основе предметных и ключевых компетенций 31

Usarov Jabbor Eshbekovich

Improving the content of education and developing learners' competence on
the basis of fundamental and subject-related competencies 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 64

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ,
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УСАРОВ ЖАББОР ЭШБЕКОВИЧ

**ТАЯНЧ ВА ФАНГА ОИД КОМПЕТЕНЦИЯЛАР АСОСИДА ТАЪЛИМ
МАЗМУНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЎҚУВЧИЛАР
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
(физика фанини ўқитиш мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (физика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Ped114 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухамедов Гофур Исраилович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зайнабиддинов Сирожиддин
физика-математика фанлари доктори, академик

Қаҳҳоров Сиддик Қаҳҳорович
педагогика фанлари доктори, профессор

Усмонов Шукрулло Неъматович
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент-кимё технология институту, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-35; факс: (+998) 71-246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-71.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Арипов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Д.М.Махмудова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, п.ф.ф.д (PhD)

М.Тўхтасинов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон глобаллашуви жараёнида таълим, фан ва илмий-техника соҳаларининг ривожланишида компетентли кадрлар муҳим ўрин тутиб, халқаро миқёсда кадрлар компетентлиги ва ўқувчилар билимини баҳолашга қаратилган катта ёшдаги аҳоли компетенциясини баҳолаш халқаро дастури (PIAAC), ўқувчилар билимини баҳолаш (PISA) каби халқаро дастурлар¹дан кенг фойдаланиб келинмоқда. Касбий маҳоратни шахс сифатлари билан уйғунлаштириш, турли ўзгаришларга тез мослашиш каби талабларнинг прогрессив ортиб бориши компетенциявий ёндашувнинг таълим жараёнларига изчил жорий этилишига сабаб бўлмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида компетенциявий ёндашувни касбий таълим, умумтаълим фанлари стандартлари мазмунига киритиш тамойиллари, уларнинг педагогик тизим бўғинларидаги ўзгаришларга таъсири, психологик ва методологик асослари ва хусусиятлари, мустақил равишда таълим натижаларига эришиш концепцияси, компетенциявий ёндашув талқини, шахсни ривожлантиришга йўналтирилган, ижтимоий ва маълум бир соҳадаги фаолиятга доир компетенцияларга оид илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Физика ўқитувчиларининг компетентлигини оширишнинг ўқув-методик таъминоти сифатини оширишга қаратилган илмий ёндашувлар, амалий машғулотларнинг виртуал шакллари жорий этиш, физика ўқитишдаги компетенциявий ёндашувлар, физиканинг фанлараро боғлиқлигини акс эттирувчи амалий машғулотлар асосида ўқитиш таълимнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида юз бераётган ислоҳотлар, компетентли кадрларга бўлган талаблар таълим компетенцияларини ҳар бир ўқув предмети, жумладан, физика фанини ўқитиш жараёнида шакллантириб бориш заруратини юзага келтиради. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, физика фанини чуқур ўрганишга эътиборни қаратиш, давлат таълим стандартларида кўзда тутилган компетенцияларга асосланган педагогик фаолиятни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш»² каби вазифалар белгиланган. Бу эса физика фани мисолида ўқитиш методикасини такомиллаштиришга йўналтирилган таълим мазмуни ва ўқувчиларнинг компетентлигини ривожлантиришдаги зарурий таянч ва фанга оид компетенциялар таркибини аниқлаштириш, таянч ва физика фанига оид умумий компетенциявий ёндашувлар асосида ўқувчиларнинг компетентлигини ривожлантириш модели ва методларини такомиллаштириш заруратини асослайди.

¹ PIAAC – The Programme for the International Assessment of Adult Competencies. Центр гуманитарных технологий, 2006-2019. <https://gtmarket.ru/research/piaac/info>; PISA – Programme for International Student Assessment. <https://gtmarket.ru/research/pisa/info>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сонли, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Таълимга компетенциявий ёндашув, хусусан, таянч ва фанга оид компетенциялар ва ўқувчилар компетентлиги масалалари бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Nevada (АҚШ), University of Bayreuth (Германия), University of Kent (Англия), Nord University, Буде, (Норвегия), National University of Singapore (Сингапур), Уфа давлат университети (Россия), Белоруссия давлат университети (Белорусия), Хоккайдо университети (Япония), Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Дунё миқёсида физикани ўқитишда компетенциявий ёндашув, замонавий ўқув машғулотларини ташкил этиш, интерфаол дастурий воситалар ҳамда уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган ишлар юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: компетенциявий ўқитишнинг интерфаол таълим технологиялари ишлаб чиқилган (Leiden University); ўқувчилар илмий дунёкарашини ривожлантиришнинг компетенциявий ёндашув асосидаги интерфаол дастурий воситалари яратилган (Polish Society for Human Evolution Studies); ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларининг интеграция ва дифференциация устуворлиги негизида модулли таълим тизими ишлаб чиқилган (Center for Cellular and Molecular Biology); табиий-илмий саводхонликни ривожлантиришда халқаро баҳолаш дастурлари PISA

³ Гоулман Д. Эмоциональный интеллект в бизнесе. – М.: «Манн, Иванов и Фербер», 2013. – С. 512; Митина Л.М. Профессиональная деятельность и здоровье педагога: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: «Академия», 2005; Хуторской А.В. Технология проектирования ключевых и предметных компетенций. Инновации в образовательной школе. Методы обучения: сборник научных трудов. – М.: ГНУ ИСМО РАО, 2006. – С. 65-79; Бермус А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентностного подхода в образовании. – М.: «Эйдос», 2005. <http://www.eidos.ru/journal/2005/0910-12.htm>.

(Programme for International Student Assessment)дан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган (Россия таълимни ривожлантириш стратегиялари институти).

Дунёда бўлажак компетентли кадрларни тайёрлаш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: электрон-дастурий воситалар асосида ўқувчилар дунёкарашини ривожлантиришнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштириш; мантиқий-илмий тафаккурини ривожлантиришда компетенциялар тизимини шакллантириш, виртуал лабораториялар билан ишлаш жараёнида ўқувчиларда табиий-илмий компетенциялар тизимини шакллантириш, педагогик инновацион таълим кластерининг ролини ошириш ҳамда ўқувчиларни ўқув-тадқиқотчилик фаолиятига йўналтиришнинг методик таъминотини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Компетенция» ва «компетентлик» тушунчалари дастлаб турли миллат вакиллариининг ўзаро мулоқот заруратини ифодалаган бўлса, бугунги кунда таълим тизими, унинг мазмуни ва амалий моҳиятини ҳам бевосита қамраб олди. Мазкур тушунчаларнинг белгиланган талаблари, таълим тизимидаги таянч, фанга оид ва фанлараро компетенцияларни шакллантириш масалаларига ёндашув Европада бирмунча илгари бошланган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) давлатлари олимлари .П. Симонов, А.И. Субетто, А.В. Хуторский⁴ ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларида шахс компетентлигини шакллантириш ва такомиллаштириш тушунчаси турлича талқин қилинади. Меҳнат бозоридаги талабнинг тез ўзгариши, иш берувчиларнинг фақатгина унинг билими, кўникмаси ва малакасигагина эмас, балки уларнинг шахсий сифатларига ҳам эътибор қарата бошланганлиги билан белгиланади. Бу борада Россияда педагогика-психология йўналишида И.Я.Лернер, В.В.Краевский, В.В.Давыдова⁵ ва уларнинг издошлари олиб борган тадқиқотларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ривожланган хорижий давлатларда таянч компетенциялар таркибини ифодалаш ва уни шакллантириш жараёни муаммоси хорижий назария ва амалиётида С.Шо, Б.Оскарссон, А.Шелтон, В.И.Байденко, А.М.Новиков ва бошқалар⁶ томонидан, асосан, касбий таълимда кўрилган. Улар томонидан

⁴ Симонов В.П. Моделирование и оценка качества научно-исследовательской работы в образовательных системах. Учебно-методическое пособие для системы высшего и среднего профессионального образования. – М.: Перспектива, 2010. – 92 с.; Симонов В.П. Педагогическая диагностика в образовательных системах. – М.: Перспектива, 2010. – 264 с.; Субетто А.И. Онтология и эпистемология компетентностного подхода, классификация и квалиметрия компетенций [Текст] / А.И. Субетто. – СПб. – М.: Исслед. центр проблем качества подгогогики спец-ов, 2006. – 73 с.; Хуторской А.В. Технология проектирования ключевых и предметных компетенций. Инновации в образовательной школе. Методы обучения: сборник научных трудов. – М.: ГНУ ИСМО РАО, 2006. – С. 65-79.

⁵ Краевский В.В. О культурологическом и компетентностном подходах к формированию содержания образования / Доклады 4-й Всероссийской дистанционной августовской педагогической конференции «Обновление российской школы». – М, 2002.– С. 17-23; Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения. М., 1986. С. 94; Лернер И.Я. Дидактические основы методов обучения. М.: Педагогика, 1981. – 186 с.

⁶ Кисриева Ф.У. Формирование ключевых компетенций младших школьников в инновационной деятельности. Автореферат кандидата педагогических наук. – Махачкала, 2012; Зеер Э.Ф., Сыманюк Э.Э. Компетентностный подход к модернизации профессионального образования. // Высшее образование в России.–2005. – №4. – С. 23-30; Иванов Д.А. Компетентности и компетентностный подход в современном образовании. – М.: Чистые пруды, 2007. – 32 с.

таянч компетенция, биринчидан, шахс фаолиятининг кенг қамровдаги мутахассислик сифатлари, иккинчи томондан, ҳар қандай касбий ҳамда иш фаолиятидаги билим ва кўникмаларнинг «тунелли» боғланиши сифатида қаралган, яъни, биринчи фикрда, шахснинг сифатларига урғу берилса, иккинчисида эса кўникманинг устувор эканлиги таъкидланади. Н.Хомский компетенция тушунчасига «инсоннинг қандайдир фаолиятни бажариш қобилияти»га йўналтирилганлиги сифатида қарайди, И.А.Зимняя, А.А.Вербицкий, Е.В.Прямикова⁷ ишларида эса компетенция таълим парадигмаси сифатида қаралиб, ўқитувчи ролининг таълим тизимида объектга, уни ташкиллаштириш жараёнида эса субъектга қаратилишида мавжуд муаммолар ечими бўлиши кўрсатилиб, таълим берувчи ва олувчи муносабатларини тубдан ўзгартириш лозимлиги таъкидланади. Бажарилган аксарият илмий тадқиқот ишлари гуманитар йўналишдаги таълим муассасаси талабалари учун йўналтирилган бўлиб, аниқ фанлар йўналиши мисолида қаралмаган.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида компетенциявий ёндашувнинг баъзи таркибий қисмлари ҳисобланган таълимда мустақил ва ижодий ёндашув, мантикий тафаккур, таълим технологиялари, компьютер саводхонлиги, касбий компетентлик ва экспериментал кўникмаларни ривожлантиришга оид ишлар Б.Мирзахмедов, М.Джораев, А.Абдукодиров, У.Бегимқулов, К.Насриддинов, Н.Азизходжаева, Ш.Отажонов, М.Қурбонов, А.Хусанов, М.Матназаровлар томонидан⁸ тадқиқ қилинган. Касбий ва амалий компетенциялар, компетентлик, ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари ҳамда уларнинг шаклланганлик мониторингига оид мулоҳазалар Ж.Толипова, У.Иноятлов, Б.Ходжаев, М.Ваҳобов, О.Қўйсинов, Й.Асадов, Н.Турдиев ҳамда Д.М.Маматкулов ишлари⁹ да ўз аксини топган.

Адабиётлар таҳлилига кўра, турли мамлакатларда таянч ва фанга оид компетенциялар сони ва номланиши турлича белгиланган бўлиб,

⁷ Зимняя И.А. Компетентностный подход. Каково его место в системе современных подходов к проблемам образования? (теоретико-методологический аспект) [Текст] / И.А. Зимняя // Высшее образование сегодня: реформы, нововведения, опыт: журнал. – 2006. – №8. – С. 20-26; Прямикова Е.В. Компетентностный подход в современном образовательном пространстве: функциональное и структурное содержание. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора социологических наук. Екатеринбург, 2012; Вербицкий А.А., Ларионова О.Г. Личностный и компетентностный подходы в образовании. – М.: Логос, 2009. – 336 с.

⁸ Mirzaxmedov B. va boshqalar. Fizikadan savol va masalalar to'plami (umumiy o'rta ta'lim maktablarining 6-9-sinflari uchun qayta ishlangan va to'ldirilgan ikkinchi nashri). – T.: 2007. Turon-iqbol. № 4. – Б. 24-29; Курбонов М., Узлуксиз таълимда физик экспериментларнинг дидактик функциялари самарадорлигини ошириш (Олий таълим мисолида). П.ф.д., дисс.-яси. – Тошкент, 2012. – 255 б; Отажонов Ш. Optikadan masalalar va laboratoriya ishlari to'plami, o'quv qo'llanma. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсияси асосида. – Тошкент, 2016. – 183 б.; Тажиев М, Алимов А.Я. ва б. Педагогик технология – таълим жараёнига татбиғи. – Тошкент: «Тафаккур», 2010; Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Ташкент: Чулпан, 2005. – 200 с.

⁹ Inoyatov U., Xodjaev B. Imumta'limiy kompetensiyalarni loyihalashtirishning konseptual asoslari. «Xalq ta'limi» O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining ilmiy-metodik jurnali. 2016-yil 2-son. 7–15 b.; Ваҳобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2016; Қўйсинов О. Меҳнат таълимида ўқувчилар компетенцияларини ривожлантириш воситалари. УзПФТИ тўпламлари. 2017 йил; Маматкулов Д. Мафкуравий компетентлик тушунчаси ва унинг таълим-тарбия жараёнидаги аҳамияти // Халқ таълими. – Тошкент, 2017. – №1. – Б. 6-10.

биринчидан, мамлакатимиз таълим тизимида мазкур компетенциялар таълим мазмунига етарлича сингдирилмаганлиги маълум бўлди. Иккинчидан, компетенциявий асосдаги таълим мазмуни, умумтаълим муассасаларидаги педагогик-психологик шарт-шароитлар ва ўқувчи компетентлигини ривожлантиришга мантиқий фикрлашнинг асос бўлиши, шу билан бирга умумтаълим тизимида таянч ва фанга оид компетенцияларни биргаликда шакллантириш ҳамда ўқувчиларда компетентликни ривожлантириш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида қаралмаганлиги аниқланди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-3-238-рақамли «Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастурини амалга оширишда таълим сифатини белгилашнинг мезонли кўрсаткичларини асослаш» (2016-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади таянч ва фанга оид компетенциялар асосида умумий ўрта таълим физика фани мазмунини такомиллаштириш ва ўқувчилар компетентлигини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

педагогик, илмий-методик адабиётларни ўрганиш асосида ўқувчилар компетентлигини ривожлантиришни муҳим педагогик муаммо сифатида ўрганиш;

ўқитиш методикасини такомиллаштиришга йўналтирилган таълим мазмуни ва ўқувчилар компетентлигини ривожлантиришда зарурий таянч ва фанга оид компетенциялар таркибини белгилаш;

танланган таянч ва фанга оид компетенцияларни таълим мазмунига сингдириш ва бунга имкон берадиган психологик-педагогик шароитларни аниқлаш, физика фани мисолида таълим технологияларини такомиллаштириш;

умумтаълим муассасаларида таянч ва физика фанига оид умумий компетенциявий ёндашувлар асосида ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш модели ва методларини такомиллаштириш;

компетенциявий ёндашув асосида ўқувчилар компетентлигини ривожлантиришга қаратилган дарсларни ташкил этиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш юзасидан тавсиялар тайёрлаш;

ўқувчилар компетентлигини ташхислашга қаратилган тест топшириқлари, анкета саволларини ишлаб чиқиш ва уларни тажриба-синовдан ўтказишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти физика фани мисолида таянч ва физика фанига оид компетенциялар асосида таълим мазмунини такомиллаштириш ва ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги 3 та мактабнинг 816 нафар VI–IX синф ўқувчилари жалб этилган.

Тадқиқот предмети компетенциявий ёндашув асосида таълим муассасаларида физика фани мазмунини такомиллаштириш ва уни ўқитиш асосида ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш методикаси.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, танқидий-қиёсий таҳлил, тест топшириқлари, таснифлаш, анкета сўровлари, ўқитувчилар ва мактаб раҳбарияти ҳамда ота-оналар билан суҳбатлар ўтказиш, математик-статистик таҳлил ҳамда натижаларни умумлаштириш усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг физика фани бўйича компетенциялари таркиби физик жараёнлар таснифи (ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш), тажрибалар ҳолати (ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хулосалар чиқариш), амалиёт (физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш)га оид элементларни киритиш асосида аниқлаштирилган;

ўқувчиларда физика фанига оид умумий компетенцияларни шакллантириш тузилмаси мотивация, когнитив, фаолиятли ва натижаларни баҳолаш босқичларида компетенциялар хусусиятлари (эҳтиёж, мақсадни тўғри қўйиш, қизиқиш, мотивация, физик тушунчалар, прогноз қилиш, аналитик кўникма ва интерпретация қилиш) ва кўрсаткичлари (компетенцияларни шакллантириш, компетенцияларни мустақил қўллай олиш, компетентлик, ўз-ўзини баҳолай олиш) мазмунини очиқ бериш асосида ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда физика фанига оид компетентлик даражасини аниқлаш имкониятлари педагогик ва психологик ташхислаш функциялари (бошланғич ва ундан кейинги даражасини баҳолаш, методикалар назорати, коррекциялаш)ни киритиш асосида кенгайтирилган;

ўқувчи шахсига йўналтирилган дарс шакллариини пассив, фаол, интерфаол ёндашувга кўра лойиҳалаш жараёнлари таянч ва фанга оид умумий компетенцияларни шакллантиришда дарсларга қўйиладиган талабларга (замонавийлик, педагогик техника тамойиллари, ўқув вазиятини яратиш) устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

ўқув фаолиятини жадаллаштирувчи таълим технологиялари ўқувчиларнинг мантикий фикрлаши ва мотивациясини оширишга йўналтирилган ўқув-услубий материалларни (дидактик, рухий-педагогик, ижтимоий-педагогик, ташхис мезонлари) ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий ўрта таълим ўқувчиларининг аниқлаштирилган таянч ва физика фанига оид компетенциялари асосида такомиллаштирилган ДТС ва ўқув дастури ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълимда компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ва ўқув дастури асосида 8-, 9-, 10- ва 11-синф ўқувчилари учун физикадан дарсликлар яратилган;

умумий ўрта таълим ўқувчиларининг физик компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган физиканинг «Механика» ва «Молекуляр физика» бўлимлари бўйича ўқув қўлланмалари яратилган;

Ўқувчилар компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган таълим технологиялари (таълим жараёнида қўлланиладиган интерфаол методларда ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш омилини ошириш, фаолиятли-шахсга йўналтирилган таълим мазмунини жорий этиш, таълимда компетенциявий ғояларга асосланиш, ўқувчилар компетентлигини ташхислаш тамойиллари) такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосий методологик тамойилларга асосланганлиги, унда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, педагогик тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, тадқиқот мақсади ва вазифаларининг адекватлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган компетенциявий ёндашув асосида ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш модели, методикаси, баҳолаш мезонларининг ишлаб чиқилганлиги, таянч ва фанга оид компетенцияларнинг педагогик жиҳатлари аниқланганлиги, ўқувчилар компетентлигига уларнинг шахсий хусусиятлари билан умумлаштирилган ҳолда қараш, ўқувчиларда компетентлиликни ривожлантириш жараёнида фан ва амалиётнинг ўзаро интеграциясини асослаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда таълим самарадорлигини оширишда, педагогик мониторинг ва умумтаълим фанларини ўқитишда, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида мутахассислик ўқув модуллари бўйича ўқув-услугий мажмуаларни яратишда, халқаро баҳолаш тизимлари топшириқларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкинлиги ҳамда танланган компетенцияларнинг Давлат таълим стандартларига киритилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Физикани ўқитиш жараёнида таянч ва фанга оид компетенциялар асосида таълим мазмунини такомиллаштириш ва ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг физика фани бўйича компетенциялари таркиби, физик жараёнлар таснифи (ходисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш), тажрибалар ҳолати (ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хулосалар чиқариш), амалиёт (физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш)га оид элементлар бўйича таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 21 февралдаги 01-02/2-2-60-сонли маълумотномаси). Мазкур ДТС 2017-2018 ўқув йилида

амалиётга жорий этилган 8-, 9-, 10- ва 11-синф физика дарслиklarининг яратилишига асос бўлган;

ўқувчиларда физика фанига оид умумий компетенцияларни шакллантириш тузилмаси, мотивация, когнитив, фаолиятли ва натижаларни баҳолаш босқичларида компетенциялар хусусиятлари ва кўрсаткичлари, ўқувчиларда физика фанига оид компетентлилик даражасини аниқлаш имкониятлари, педагогик ва психологик таххислаш функцияларига оид таклифлар академик лицей ўқувчилари учун «Физика. 2-китоб. Электродинамика. Электромагнит тебранишлар ва тўлқинлар» номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 январдаги 89-03-308-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш ҳамда фанни ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилган;

ўқувчи шахсига йўналтирилган дарс шакллари, пассив, фаол, интерфаол ёндашувларга кўра лойиҳалаш жараёнлари, таянч ва фанга оид умумий компетенцияларни шакллантиришда дарсларга қўйиладиган талаблар, ўқув фаолиятини жадаллаштирувчи таълим технологияларига оид таклифлардан ПЗ–2014-0910185149 «Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 январдаги 89-03-308-сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳа умумий ўрта таълим тизимида компетенциявий ёндашувнинг амалиётга жорий этилишига методик асос бўлиб хизмат қилган;

ўқувчиларнинг мантикий фикрлаши, физик тафаккури ва мотивациясини оширишга йўналтирилган таклифлардан «Физика. 3-китоб. Оптика, квант физикаси, атом ва ядро физикаси» номли дарсликда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 23 январдаги 89-03-308-сонли маълумотномаси). Натижада Республикамиздаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари ДТС талаблари даражасидаги дидактик материаллар билан танишиш ва олий таълим муассасаларига кириш тест-синовларига тайёрланиш имкониятига эга бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 16 та, шу жумладан, 3 та халқаро, 13 та республика миқёсидаги конференция, симпозиум, форумларда маъруза кўринишида баён қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мазмунини ёритувчи жами 38 номдаги илмий ишлар, жумладан, 4 та дарслик, 5 та ўқув қўлланма, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 13 та мақола, шулардан, 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 225 бетдан, кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Таълим компетенцияларини шакллантиришнинг методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида таълимда компетенциявий ёндашувнинг вужудга келишига оид қарашлар, ўқувчиларда шакллантириладиган таълим компетенциялари мазмуни ва уларнинг танланиши, Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида компетенциявий ёндашув ҳамда замонавий педагогик технологияларнинг қўлланилиши, компетенциявий ёндашув асослари таҳлили амалга оширилган.

Компетенция муаммосининг таълим соҳасига кириб келиши ва унинг ривожланиш тарихини шартли равишда тўртта босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич (1960-70 йй.) компетенция терминининг киритилиши ва қўлланила бошлаши, иккинчи босқич (1970-1990 йй.) компетенция ҳақида турлича қарашларнинг шаклланиши, учинчи босқич (1990-2000 йй.) компетенция ва компетентликнинг илмий категория сифатида таълимга нисбатан қўлланилиш даври бўлса, тўртинчи босқич 2000 йилдан бошлаб, компетенциявий ёндашувни касбий ва умумтаълим фанлари стандартлари мазмунига киритиш билан боғлиқ. 2006 йилда Европа парламенти ва Кенгаши томонидан узлуксиз таълим учун 8 та таянч компетенциялар тавсия қилинган: ўз она тилида мулоқот қила олиш; чет тилида мулоқот қила олиш; математик компетентлилик ҳамда фан ва техника соҳасидаги асосий компетенциялар; рақамли компетентлик; ўқишни ўрганиш; ижтимоий ва фуқаролик компетенцияси; тадбиркорлик ва ташаббускорлик туйғуси; маданиятдан хабардор бўлиш ва уни ифода қила олиш.

Европа тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистон таълим тизимида компетенциявий ёндашувнинг жорий этилиши, шакллантириладиган таълим компетенцияларини танлаш ва уларни таълим тизимида сингдириш орқали Республикамизда таълим тизими самарадорлигини ошириш мумкин. Компетентлик ҳақида гап кетганда «билим даражаси» сифатида «у ёки бу объектнинг моҳиятан реаллигини тафаккур қила олиш» масаласининг назарий жиҳатларини ўзлаштиришга қаратилган фаолият тушунилади. Тадқиқот ишимиз ғояси учун А.В.Хуторскийнинг компетенция ва компетентлик таърифлари, хусусан, «...маълум бир соҳада фаолият кўрсатишга имкон берадиган зарурий билим ва кўникмаларга эга бўлган шахс – компетентли шахс», деган фикри мос тушади. Шунингдек, унинг «Қадр-қиммат, эътиқод компетенцияси; умуммаданий компетенциялар; ўқув-ўрганиш компетенцияси; ахборот компетенцияси; коммуникатив компетенция; ижтимоий-меҳнат компетенцияси; шахсни такомиллаштириш компетенцияси» хусусидаги фикрлари методологик аҳамият касб этади.

В.А.Болотов ва В.В.Сериковларнинг ишларида компетентликка «ўқимишли, билимли, кўникмали бўлиш усули шахсий ўзлигини намоён қилишга имкон берадиган тушунчалар жамланмасидир» деб изоҳ берилади. Бошқа муаллифлар «компетентлиликнинг табиати шундайки, у таълимнинг маҳсули бўлиб, кўпроқ индивиднинг ўз-ўзини ривожлантириши, унинг шахсий ўсиши, фаолияти ва хусусий тажрибасини умумлаштириши оқибатидир»¹⁰ деб ҳисоблайди. Шундай қилиб, «компетенция» ва «компетентлик» таълим мақсадини таълим жараёнининг барча субъектлари билан мослаштиришга, ўқувчиларнинг мотивация даражасини оширишга, таълим ва тарбия жараёнининг бирлигини таъминлашга имкон беради.

Компетенция сўзига турлича таърифлар, ёндашувлар мавжуд. Хусусан, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да¹¹ компетенция сўзи қуйидагича изоҳланади: компетенция (лот. *competo* – эришяпман, муносибман, лойиқман) – 1) муайян давлат органи (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун, устав ёки бошқа ҳужжат билан белгиланган ваколатлари, ҳуқуқ ва бурчлари доираси; 2) у ё бу соҳадаги билимлар, тажриба.

Компетентлик тушунчаси эса фақатгина билиш категорияси сифатида эмас, балки шахсият категорияси сифатида ҳам қаралади. Шунга кўра: зарурий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш; қандайдир фаолиятни бажариш қобилиятини аниқловчи шахс хусусиятлари; касбий хусусиятлар тўплами ҳамда шахснинг тегишли компетенцияларни эгаллаши каби таркибий қисмларидан иборат бўлиши кераклиги таъкидланади. Таълим тизимига компетенциявий ёндашувни жорий этиш, компетенцияларни танлаш, уларни ўқувчиларда шакллантириш, ўқувчиларнинг компетентлигини баҳолаш, компетенциявий ёндашув асосида ўқувни меъёрлаштирувчи ҳужжатларни такомиллаштириш каби масалалар тадқиқот ишимизнинг мақсадини ташкил қилади. Таълим жараёнида ўқувчилар олган билимларни бевосита кундалик ҳаётда қўллашга ўргатадиган компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълими стандартларини яратиш ва уларни таълим жараёнига татбиқ этиш зарурати аниқланди. Таълим мазмунини бойитишда амалдаги таълим стандарти ҳамда компетенциявий ёндашув асосидаги ёндашувлар тизимлаштирилди. Таълим тизимида замонавий педагогик технологияларни қўллаш орқали компетентли шахсни тарбиялаш, ўқувчиларнинг ўқув фанлари орқали олган билимларидан кундалик ҳаётда учрайдиган муаммоларини ҳал қилишга ўргатиш ҳамда ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни муштарак ҳолда ривожлантириш таълим самарадорлигини белгилайди.

¹⁰ Равен Дж. Компетентность в современном обществе. Выявление, развитие и реализация. – М.: Когито – Центр, 2002. – 396 с.; Щукин А.Н. Компетенция или компетентность // Русский язык за рубежом. – №8. – 2008. – С. 14-20;

¹¹ «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002 й.

Диссертациянинг «Ўқувчилар физик компетентлигини ривожлантириш модели ҳамда компетенциялар шаклланганлик даражасини ташхислаш усуллари» деб номланган иккинчи бобда ўқувчиларда шакллантириладиган таянч компетенциялар ва уларни танлаш методикаси, физикага оид компетенциялар ва компетенциявий ёндашув асосида физика ўқув фани мазмунини такомиллаштириш, мактаб ўқувчиларида компетентликни ривожлантириш модели, ўқувчиларнинг физик компетентлилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш методикаси ҳамда ташхислаш усулларининг ўқувчиларда таянч компетенцияларнинг шаклланганлигини аниқлаш имкониятлари хусусида фикр юритилади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни алоҳида шакллантиришни эмас, балки уларни комплекс равишда эгаллашни тақозо этади. Бу эса ўқувчиларда шакллантириладиган таянч ва фанга оид компетенцияларни танлаш ҳамда уларни ривожлантириш методикаси билан боғлиқ. Олиб борилган тадқиқот ишларида¹² компетенциявий ёндашув: ўқувчиларни онгли равишда таълим олишга тайёрлаш; уларнинг мустақиллик даражасини ошириш; ўқувчиларни ностандарт вазиятларда ҳам олган билимларини қўллай олиш каби тамойилларга асосланган. Бизнинг тадқиқот ғоямиз тўртта аспект: таянч компетенциялар, фанга оид кўникмаларни умумлаштириш, амалий фан кўникмалари ҳамда ҳаётий кўникмаларни ўз ичига олади. Булардан биринчиси танланадиган компетенциялар бўлиб, баъзи компетенциялар бошқаларига нисбатан умумий ёки аҳамиятлироқ бўлади. Шунга кўра уларни урта даражага бўлиш мумкин: таянч компетенциялар – таълим мазмунининг умумий (метапредмет) қисмига тегишли; умумфанлар компетенциялари – маълум доирага кирувчи ўқув фанлари ва таълим соҳаларига тегишли; ўқув фанига оид компетенциялар – олдинги иккитага нисбатан хусусий ҳисобланиб, ўқув фани доирасида шакллантирилади. Таълим компетенцияси дейилганда, ўқувчининг объектив борликда зарурий равишда шахсий ва ижтимоий аҳамиятли, самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган билимлари, кўникмалари, малакалари, фаолият тажрибаси, мантиқий фикрлаши, мотивацияси ва мазмунан йўналтирилганлиги мажмуи назарда тутилади.

Республикада компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандарти талабларини ишлаш (2013-2016 йй.) жараёни таянч ва фанларга оид компетенцияларни танлаш, мос ҳолда таълим мазмунини такомиллаштирган ҳолда компетенцияларни шакллантиришни дарс жараёнига киритиш учун уларни фаолият шаклида беришни назарда тутди. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда таянч компетенцияларнинг қуйидаги лойиҳаси таклиф этилди: 1) коммуникатив компетенция – ижтимоий

¹² Симонов В.П. Моделирование и оценка качества научно-исследовательской работы в образовательных системах. Учебно-методическое пособие для системы высшего и среднего профессионального образования. – М.: Перспектива, 2010. – 92 с.; Блинов В.И., Сергеев И.С. Как реализовать компетентностный подход на уроке и во внеурочной деятельности. – М.: Аркти, 2009. – 130 с; Хуторской А.В. Ключевые компетенции как компонент личностно-ориентированной парадигмы образования // Народное образование. № 2. – 2003. – С. 58-64.

вазиятларда она тили ҳамда бирор хорижий тилда ўзаро мулоқотга кириша олиш, мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш ҳамда ҳамкорликда жамоада самарали ишлай олиш лаёқатларини шакллантириш; 2) ахборотлар билан ишлаш компетенцияси – медиаманбалардан зарур маълумотларни излаб топа олиш, улардан самарали фойдалана олиш лаёқатларини шакллантириш; 3) ўзини ўзи ривожлантириш компетенцияси – ўзини жисмоний, маънавий, рухий ва интеллектуал ривожлантириш, ҳаётий тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш, ўзини баҳолаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллаш; 4) ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси – жамиятда бўлаётган жараёнларга дахлдорликни ҳис этиш ва уларда фаол иштирок этиш, ўз фуқаролик бурч ва ҳуқуқларини билиш, уларга риоя қилиш, муомала ва ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш лаёқатларини шакллантириш; 5) миллий ва умуммаданий компетенция – ватанга садоқатли, инсонларга меҳр-оқибатли ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга эътиқодли бўлиш ва соғлом турмуш тарзига амал қилиш лаёқатларини шакллантириш; 6) математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияси – аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда шахсий, оилавий, касбий ва иқтисодий режаларни туза олиш, инсон меҳнатини енгиллаштирадиган, қулай шарт-шароитга олиб келадиган фан ва техника янгиликларидан фойдалана олиш лаёқатларини шакллантиришни назарда тутади.

Мазкур компетенциялар ўқув режадаги барча умумтаълим фанлар мазмунига сингдирилади ва дарс жараёнида ўқувчиларда фанга оид умумий компетенциялар асосида шакллантирилади. Таянч компетенциялар таълим категорияси сифатида комил инсон тарбиясининг мезонини характерлайди. Демак, барча умумтаълим фанлари таянч компетенцияларни шакллантириш воситаси сифатида намоён бўлади. Шу маънода фанларга, хусусан, физикага оид умумий компетенциялар танланиши лозимки, уларнинг шахсда ривожланиш кўрсаткичи – физик компетентлиликни белгилаб беради. Умумтаълим муассасалари битирувчиларига қўйилган давлат талабининг ўзгарганлиги туфайли таълим мазмуни ва малака талаблари қайта шакллантирилди, яъни: 1) ўқув фанини ўрганиш босқичлари; 2) таянч ва фанга оид умумий компетенциялар; 3) ўқув фанининг мақсад ва вазифалари; 4) умумтаълим фанларини ўрганиш мазмуни; 5) умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича мажбурий тайёргарлик даражалари белгилаб олинди.

Компетенциявий ёндашувга асосланган янги ДТСда умумий ўрта таълим муассасаларида физика, астрономия фанини ўқитишнинг асосий мақсади: ўқувчиларнинг мантикий фикрлай олиш қобилиятини, шунингдек, таянч ва физика фанига оид умумий компетенцияларни шакллантириш ҳамда ўқувчиларнинг физик билимларни ҳаётга татбиқ эта олиш салоҳиятини ривожлантириш каби талаблар билан бойитилди.

Тадқиқот ғоясининг иккинчи аспекти сифатида белгиланган физика фани бўйича умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талаблари ва физика фанига оид 3 та

компетенция белгилаб олинди, хусусан, «Физик жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси» бўйича ўқувчилардан:

(A1) Физик жараён ва ҳодисаларни кузата олиш, уларнинг моҳияти ҳақидаги дастлабки тушунчаларни билиш ва баён қила олиш, физика бўлимларига оид дастлабки тушунчалар, терминлар, катталиклар ва уларнинг бирликлари, қонуниятлар, боғланиш формулаларини билиш ва улардан масалалар ечишда фойдалана олиш талаб этилади.


(A2) Кузатиш натижаларини умумлаштириш ва баён қилишда тегишли физик катталиклардан фойдалана олиш ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигини математик ифодалар кўринишида ёзиб, тушунтириб бера олиш ҳамда физика бўлимларига оид тушунчалар, терминлар, физик катталиклар ва уларнинг бирликлари, қонуниятлар, боғланиш формулаларини билиш ҳамда улардан амалиёт ва кундалик турмушда фойдалана олиш зарур.

(B1) Физик катталикларнинг Халқаро бирликлар системасини, математик ифодаларни мантиқий боғлиқ ҳолда тушуниш ва тушунтира олиш, физика бўлимларига доир кенгайтирилган асосий тушунчалар, терминлар, катталиклар ва уларнинг бирликлари, қонуниятлар, боғланиш формулаларини билиш ва уларни амалиётда қўллаш олиши талаб этилади.

Худди шунингдек, «Тажрибалар ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хулосалар чиқариш» ҳамда «Физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш» компетенциялари ва уларнинг физика ўқув фанини ўрганиш босқичлари (A1, A1+, A2, A2+, B1 ва B1+) бўйича талаб даражалари белгиланди. Масалан, тажрибалар ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хулосалар чиқариш компетенцияси (A1) талаблари қуйидагича: амалий топшириқларни бажаради, тегишли физик катталикларни ўлчайди, натижаларини жадвал кўринишида ёзади ва хулосалар чиқара олади; физик тушунча ва катталиклар бирликларини билади ва мазкур катталиқни бошқа катталиклар билан формулалар орқали боғлай олади.

Юқорида келтирилган бу лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарори билан тасдиқланди ҳамда Давлат таълим стандартининг 1-иловасида ўз аксини топди.

Такимиллаштирилган Давлат таълим стандартини жорий этиш: ўқитувчининг касбий онгини тубдан ўзгартириш; дарсликларни такомиллаштириш; ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш бўйича ўқитиш технологияларини танлаш ва қўллаш; компетенциялар шаклланганлигини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда таълимни меъёрлаштирувчи ҳужжатларни юритиш каби масалалар ечимини тақозо этади. Шу билан бирга уларни ўзаро мужассам боғлайдиган, яъни ўқувчиларда компетенцияларни шакллантириш моделини ишлаб чиқиш зарурияти туғилади. Таклиф этилаётган мазкур модель ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида ўзини намоён қилишлари орқали уларнинг компетентлигини ривожлантиришни, хусусан, ўқувчиларда ўқув жараёнида қизиқишни ва ижобий мотивацияни шакллантиришнинг комплекс шакл ва усулларида фойдаланишни кўзда тутди (1-расм).



1-расм. Умумтаълим муассасалари ўқувчиларида компетентликни ривожлантириш модели

Ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни ривожлантиришнинг методологик асосларини компетенциявий, тизимли-фаолият ва шахсга йўналтирилган ёндашувлар ташкил этади. Шахсга йўналтирилган ёндашувда ўқувчининг шахсий ривожланиши, мустақил равишда ва асосланган қарорлар қабул қила олиш имкониятини шакллантириш ғояси ётади. Ўқувчиларда фанга оид компетенцияларни ривожлантириш босқичлари, хусусан, мотивацион босқичда ўқувчиларни фанга қизиқтириш масаласи ўта муҳим

ҳисобланади. Биз бу ёндашув асосида 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфлари учун физика фанидан электрон ахборот таълим ресурсини тайёрлаганмиз. «Жисмларнинг масса маркази ва уни аниқлаш. Мувозанат турлари» мавзуси ўқувчиларга тушунарли ва ёдда қоларли бўлиши учун арава мисолида 2-3 минутга мўлжалланган анимация кўрсатилади (2-расм).



2-расм. Жисмларнинг масса маркази ва уни аниқлашга доир лавҳалар

Юк ортилмаган дастлабки ҳолатда арава йўлида учраган харсангтош устидан осонгина ўтиб кетди. Энди шу араванинг устига хашак юклаймиз ва тажрибани қайта такрорлаймиз. Хашак юкланган арава харсангтош устидан ўтаётганда ағдарилиб кетади. Нега бундай бўлди?

Бунга араванинг юксиз ва юк ортилган вазиятдаги мувозанат сақлай олиш ҳолати турлича бўлиши, юк ортилган ҳолда араванинг масса маркази, юксиз ҳолдагига нисбатан юқорироқда жойлашиши, жисмларнинг масса маркази қанчалик юқорида жойлашса, шунча нотурғун – ағнашга мойилроқ бўлиши ўқувчиларга атрофлича тушунтирилади.

Компютер ёрдамида юксиз ҳолатда араванинг масса марказидан ўтган оғирлик кучининг таъсир чизиғи ғилдираклар орасида жойлашиши, хашак ортилган ҳолатдаги масса марказидан ўтган оғирлик кучининг проекцияси эса арава таянч юзасидан четда бўлишини куч чизиклари ёрдамида аниқ намоёншли тарзда амалга ошириш мумкин.

Бундай ёндашув «Физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияси»ни шакллантириш, физика фанининг назарий асосларини кундалик турмуш ва касбий соҳаларга татбиқ эта олиш, мантиқий фикрлаш ва мустақил қарор қабул қила олиш кўникмаларини эгаллашни назарда тутади.

Таълим жараёнида кутилаётган натижа ўқувчиларни ташхислаш омилига ҳам боғлиқ. Педагогик ташхислаш тўлақонли (дидактик, руҳий-педагогик, ижтимоий-педагогик, бошқариш бўйича) бўлишини таъминлаш мақсадида таълимнинг барча иштирокчилари (ота-оналар, фан ўқитувчилари ва раҳбар ходимлар) жалб этилиши, таълим муҳити (мактаб, уй ва ҳ.к.) ўрганилиши ва ташхислаш бутун ўқув йилини қамраб олиши лозим. Ўқувчиларнинг физик компетентлик даражасини аниқлаш ва баҳолашда ўқув

предмети бўйича ўқувчиларнинг умумий қобилиятларини аниқлашда қўлланиладиган меъёрий тестлардан, ўзгармас натижалар, доимий стандартлар билан солиштириладиган мезонларга кўра ўтказилган тестлардан фойдаланилди. Шундай қилиб, ташхислаш усулларининг ўқувчиларда таянч компетенцияларнинг шаклланганлигини аниқлаш имкониятлари ўрганилиб чиқилди. Масалан, ахборот билан ишлаш компетенциясини аниқлаш бўйича берилган (Мен турли ахборот манбаларини биламан; Мен турли ахборот манбаларидан керакли ахборотни топа оламан ва фойдалана оламан; Мен турли манбалардан олинган материаллардан ёзма хулоса чиқара оламан ва ҳ.к.) маълумотларга ўқувчиларнинг қай даражада компетентли ёндашганликларини қуйидагича топшириқлар ёрдамида назорат қилиш мумкин.



3-расм. Ахборот билан ишлаш компетенциясини баҳолаш намунаси

Бу орқали ўқувчиларнинг куёш, газ ва электр лампаси ҳақидаги маълумотларни қандай манбалардан қидириши, уларнинг умумий ва фарқли томонлари, физик хоссалари ҳамда инсон учун уларнинг кундалик турмушдаги тутган ўрни, аҳамияти, уларни тадқиқ қилган инсонлар ҳамда умуминсоний қадриятларга алоқадорлиги каби маълумотларни тўплай олишлари орқали уларнинг таянч компетенцияларини (паст, ўрта ёки юқори даражада) баҳолаш мумкин.

Ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини ташхислашнинг яна бир усули психологик тестлар сирасига кирувчи ақлий ривожланганликни аниқлайдиган тестлардир. Таянч компетенциялар таркибига кирувчи билимлар ва кўникмаларнинг шаклланиш динамикасини кузатиш учун ўқувчиларга ўз-ўзини ташхислаш варағини бир йилда бир неча бор (масалан, ҳар чорак охирида) тўлдириш тавсия этилади.

Диссертациянинг «**Умумий ўрта таълим тизимида физика фанига оид компетенцияларни ривожлантириш технологиялари**» деб номланган учинчи бобида ўқувчиларда физикага оид умумий компетенцияларни шакллантиришда дарсларга қўйиладиган талаблар, ўқувчилар компетентлигини ривожлантиришда таълим технологияларини қўллаш методлари, ўқув фаолиятини жадаллаштиришга асосланган таълим технологиялари юзасидан фикр юритилган.

Ўқувчиларда билим, кўникма ва малакалар асосан дарс пайтида шаклланганлиги каби компетенциялар ҳам дарс жараёнида шакллантирилади. Шу боис ўқитишнинг анъанавий ва ноанъанавий усуллари асосида дарсни ташкил этиш технологияларига қўйилган талаблар муҳим


ҳисобланади. Анъанавий дарс дидактик мақсадларига кўра: ўқувчини мавзуга олиб кириш, янги мавзуни ўрганиш ва мустаҳкамлаш, билим ва кўникмаларни текшириш ва коррекциялаш каби дарс турларидан иборат бўлиб, унда ўқитувчи томонидан марказий бошқарув амалга оширилади. Дарс мақсади учта: таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи қисмларга ажратилади.

Компетенциявий ёндашув асосида дарсларни ташкил этишда, аввало, болани атроф-оламни ўрганишга бўлган мотивациясини кучайтириш, зарурий ахборотларни излаш ва уни реал ҳаётда қўллаш олиш учун тайёргарлик эканини ўқитиши керак бўлади. Шу аснода ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти ўзгаради. Бундай дарслар: режалаштириш, ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат, коррекциялаш ҳамда анализ қилиш каби дидактик талабларга жавоб беради. Дарс мақсадига кўра, ўқувчиларнинг мазкур мавзу юзасидан компетент эмаслиги ҳамда уларнинг нимани ўрганиб олиши кераклигини англашларига эришиш талаб қилинади. Бунда қарама-қарши фактлар, парадокслар, илмий назария ва ҳаётий воқеанинг бир-бирига зид келиб қолиши каби муаммоли вазият туғдириш орқали дарсларни (ахборотлашганлик бўйича – нимани ўрганимиз, нимага ўргатамиз; операцион – қандай қилиб ўқиймиз; мотивацион – бу нима учун керак; коммуникатив – ким билан ва қаерда? каби) ташкил қилиш мумкин. Масалан, m массали сувни t_1 градусдан t_2 градусгача қиздириш учун $Q=cm(t_2-t_1)$ иссиқлик миқдори керак. Бу илмий факт. Сувни 10°C дан 20°C гача қиздириш учун сарфланадиган иссиқлик миқдори уни 80°C дан 90°C гача қиздириш учун кетадиган иссиқлик миқдорига тенгми? Формула бўйича ҳар иккала ҳолда c солиштирма иссиқлик сифими, m сув массаси ва $(t_2-t_1)=10^\circ\text{C}$ температуралар фарқи бир хил. Демак, назарий жиҳатдан олганда, бир хил иссиқлик миқдори сарфланиши керак. Амалда эса сувни 80°C дан 90°C гача қиздириш учун сарфланадиган иссиқлик миқдори уни 10°C дан 20°C гача қиздириш учун кетадиган иссиқлик миқдоридан катта бўлади.

Замонавий дарс асосида тизимли-фаолият тамойили ётади. Унинг мақсади аниқлангач, метод ва технология, эришиш воситаси, субъектлар фаолияти ва баҳолаш усуллари ҳамда ўқувчиларда шаклланиши зарур бўлган компетенциялар ҳам кўзда тутилиши зарур. Ўқитувчи ўқувчиларни илҳомлантирган ҳолда ўқиш жараёнини пинҳоний равишда бошқариши керак. Бунда Уильям Уорднинг айтган сўзлари «Ўртача ўқитувчи баён қилади. Яхши ўқитувчи тушунтиради. Машҳур ўқитувчи кўрсатиб беради. Буюк ўқитувчи илҳомлантиради», деган ақидасига амал қилиш кўзда тутилади, яъни дарс жараёни ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга қаратилган бўлади. Масалан, «Суёқликнинг босими» мавзуси ўтилгандан сўнг қуйидагича топшириқлар берилиши ўқувчиларда масаланинг моҳиятини ва физиканинг кундалик ҳаётда қўлланилиш имкониятларини англаш ҳамда мотивация уйғотишга ёрдам беради.

1-топшириқ. Одам хавфсиз нафас олиши мумкин бўлган ортиқча босим одатда 0,3 атм.дан ошмайди. Бунга асосланиб, кўлда сузаётган одам найча орқали нафас оладиган максимал чуқурликни аниқланг.

2-топшириқ. Сузиш пайтида инсон танаси сувнинг турли сатҳида бўлади. Нима учун? Сувга тушганда сузишни билмайдиган ёки тўлиқ сузишга қодир бўлмаган одам ўзини қандай тутиши керак? Ақлни йўқотиш нимага олиб келади?



Бундай саволлар орқали дарсларда ўқувчиларнинг физик компетентлигини ривожлантиришга эришилади ҳамда умуминсоний ва ахборот билан ишлашга оид таянч компетенциялар шакллантирилади. Ўқувчининг дарс жараёнидаги фаоллигини улардаги танқидий фикрлашни ривожлантириш орқали амалга ошириш методикаси ҳам таълимнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Ўқувчилар муайян муаммо билан шуғуллана бошласаларгина, уларда танқидий фикрлаш пайдо бўлади. Шу боис ўқув жараёнининг бошланғич нуқтаси ҳисобланган, бирор вазият ёки ҳодисага тегишли бўлган энг муҳим савол, бу ҳодиса қандай муаммони вужудга келтиришини англатадиган саволдир. Фақатгина муайян муаммо билан курашиб, мураккаб вазиятдан чиқиш учун ўзининг шахсий йўлини излагандагина, ўқувчи, ҳақиқатан ҳам, фикрлайди¹³.

Ўқувчиларнинг мантиқий, танқидий фикрлашлари эса мустақил фикрлашнинг асоси ва таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатиш жараёнини тизимли ташкил этиш улардаги коммуникатив компетентликни ривожлантиришга имкон яратади. Айни пайтда ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатишнинг асосий вазифаси бугунги демократик жамиятда ҳар бир фуқаронинг ўз олдидан турган муаммоларини ҳал қилиш қобилиятига, фаол фуқаролик компетенциясига эга бўлишни тақозо этади.

Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим мазмуни таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш, ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш орқали ҳаётга тайёрлашни назарда тутаяди. Бунда дарсда қўлланиладиган технологиялар ҳам асосий омиллардан ҳисобланади. Буюк хитой файласуфи Конфуций айтганидек: «Одамларга битта балиқ берсангиз, улар бир кун тўқ бўлишади, уларга балиқ овлашни ўргатсангиз бир умр тўқ бўлади». Педагогикада кўплаб таълим технологиялари мавжуд бўлиб, улар замонавий, анъанавий, шахсга йўналтирилган, ўқувчи фаолиятини жадаллаштиришга асосланган ҳамда фанга тегишли хусусий технологиялардир. Мазкур технологияларнинг таркибий қисмларига методлар, усуллар, воситалар ва ҳ.к. киради. Метод – юнонча сўз («бирор мақсадга етиш учун йўл»)дан олинган бўлиб, таълим жараёнида тақдим этилган назарий ва амалий билимларни эгаллаш учун хизмат қиладиган йўл-йўриқлар, усуллар


¹³ Рогачева Е.Ю. Влияние педагогики Джона Дьюи на теорию и практику образования в XX веке. 13.00.01 – общая педагогика, история педагогики и образования. Автореф. дис. ... докт. пед. наук. – М., 2006.

мажмуидир. Ўқитиш методлари эса ўқувчилар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, пассив, фаол, интерфаол турларга бўлинади.

Таълим технологиялари ўқувчилар компетентлигини ривожлантиришда бир қатор имкониятларга эга. Дарс туридан қатъи назар ундаги муаммо бу ўқувчиларни ижодий фикрлашга, фаоллаштиришга, компетенцияларни шакллантиришга қаратилган бўлиши лозим. Ўқувчиларни фаоллаштиришга асосланган технологиялар ҳам турлича бўлиб: 1) ўйин; 2) муаммоли таълим; 3) лойиҳалаш; 4) тренинг ёки интерфаол таълим технологиялари дарс мақсади ва таълим мазмунидан келиб чиққан ҳолда танланади. Масалан, муаммоли таълим жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида маълум ўқув муаммоси қўйилиб, ўқувчиларга уни ечиш вазифаси берилади. Бунда ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллиги, ўзаро мулоқотга киришиши ва муаммонинг ечимини қидиришда математик саводхонлик, фан техника ютуқларидан фойдаланиш компетенциялари шаклланади.

Физика фани йўналишида муаммоли дарсларда илмий муаммо: янги қоида, қонун, исботлаш талаб қилинадиган ўқув муаммолар ёки амалий муаммонинг ечими сифатида маълум билимни янги вазиятда қўллаш, конструкция яратиш, ихтиро қилиш каби масалаларга ечим топилади. Масалан, «Суюқлик ва газларда ҳаракатланувчи жисмга таъсир қилувчи кучлар. Бернулли тенгламаси» мавзусини баён қилишда қуйидаги муаммони қўйиш мумкин:

а) 1992 йилнинг кузида улкан «Олимпик» пароходи ва ундан юзлаб метр нарида денгизда қатта тезликда параллел ҳолда ундан анча кичик бўлган «Гаук» кемаси ҳаракатланаётган эди. Тўсатдан, «Гаук» кемаси нотаниш куч таъсирида қатта кемага қараб тумшуғи билан бурилди, бошқарувни бутунлай йўқотди ва «Олимпик»нинг ён томонига кучли зарб билан урилди. Бунинг учун «Олимпик» лайнерининг капитани айбдор деб топилди. Бундай ҳолатда ким айбдор? Аслида вазият қандай бўлган? Нима учун кичик кема рулга бўйсунмай қолди?



б) суюқлик оқими трубанинг кенг қисмидан тор қисмига ўтганда, тезлиги ошади, яъни трубанинг шу соҳасида суюқлик тезланиш олади.

Бу тезланишни юзага келтирувчи сабаб нима?

Худди шунингдек, мавзуни мустаҳкамлашга оид амалий машғулотлар (рефлексия)да ручка ва бўшаган найи, гугурт кутиси ёрдамида пуркагич ясаш; бўшаган полиэтилен идиш (боклашка)дан насос ясаш; қоғоздан

самолёт ва самолёт қаноти макетини яшаш; стол тенниси шариги, футбол коптогига бурама зарба бериш каби амалий топшириқлар ҳам ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Юқоридаги муаммоларнинг физик ечимини икки параллел жойлашган ясси қоғоз бўлақларининг орасига пуфлаб, уларнинг бир-бирига яқинлашганлигини кўрсатиш ҳамда бунга қоғоз варақларнинг орасидаги босим ташқаридагига нисбатан пасайганлигини изоҳлаб, самолёт қанотининг кўтариш кучини ҳам шу орқали тушунтириб бериш мумкин. Бундай методлар физикани ўқувчилар онгига турмушда керак бўладиган, ўзлаштириш қийин бўлмаган фан сифатида сингдириш ҳамда уларнинг компетент шахс сифатида шаклланишларига ёрдам беради.

Диссертациянинг «**Компетенцияларни шакллантиришда қўлланиладиган ўқув масалалари ва компетентликка йўналтирилган топшириқлар**» деб номланган тўртинчи бобда ўқувчиларда таълим компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган амалий ўқув масалалари, физика фанига оид компетенцияларни шакллантиришда компетентликка йўналтирилган топшириқлардан фойдаланиш ҳамда компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган дарсларни ташкил этиш методикаси хусусида фикр юритилган.

Фанни ўқитишда назарияни амалиёт билан боғлаш дидактиканинг асосий вазифаси ҳисобланиб, узлуксиз таълим тизимида физика фанини ўқитишнинг мақсади, фаннинг фундаментал асослари, дарсликда келтирилган техник объектларнинг тузилиши ва ишлаш принципи ҳақидаги маълумотларни ўрганиш, амалий кўникмаларни ўзлаштириш ҳамда олинган билимлардан кундалик ҳаётда учрайдиган муаммоларни ечишда фойдаланишга қаратилган. Амалий кўникмалар (масалаларни ечиш, ижодий масалалар, техник объектларни конструкциялаш бўйича экспериментал масалалар) ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини ривожлантиришда типик масалаларни ечиш, масалан, берилган хоссаларга эга бўлган объектларни ҳосил қилиш, дарсларда экспериментал топшириқлар, хусусан, сифатга оид топшириқлар ҳам ўқувчилар компетентлигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Типик масала дейилганда инсон олдига маълум ҳаётий вазиятларда кўп марта қўйиладиган мақсад тушунилади. Масалан, берилган хоссаларга эга бўлган объектларни ҳосил қилиш бўйича: 1) кириш эшигини унчалик куч ишлатмасдан (болалар учун) оҳиста ёпиладиган қурилмани ўйлаб топинг; 2) почта қутисига газета ёки хатлар солинганлиги ҳақида ёқимли овозда хабар берадиган қурилмани таклиф қилинг каби топшириқларни келтириш мумкин.

Таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришда компетентликка йўналтирилган топшириқлардан фойдаланишнинг самараси физика фанининг техника ва ишлаб чиқаришга кучли таъсири орқали баҳоланади. Биринчи бобда таъкидлаганимиздек, физика ўқув фани бўйича компетенциявий ёндашувга асосланган Давлат таълим стандартида: физик жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш; тажрибалар ўтказиш, физик катталиқларни ўлчаш ва хулосалар чиқариш; физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш компетенцияларини шакллантириш кўзда

тутилади. Мазкур компетенцияларни шакллантиришда самарали бўлган методлардан бири физикадан ўқув экспериментлари ўтказиш бўлиб, у бир қанча: ўқув фанига қизиқтириш, ўқувчилар диққатини фаоллаштириш, уларни мустақил ишлашга ўргатиш ва физикага оид компетенциялар шаклланишига кўмаклашиш каби дидактик функцияларни бажаради. Масалан, қуйида: а) цилиндр шаклидаги идиш, секундомер ва штангенциркуль ёрдамида водопровод кранидан сувнинг оқиб чиқиш тезлигини аниқланг; б) футбол коптоғи ичидаги ҳаво босимини чизғич ва сезгир тарози ёрдамида қандай аниқлаш мумкин?; в) ўйинчоқ тўппончадан отилган ўқнинг бошланғич тезлигини фақат рулеткадан фойдаланиб аниқласа бўладими?; г) бирор бир жисмнинг оғирлигини ўлчаш керак. Сизда фақат штатив, пружина, чизғич ва оғирлиги маълум бўлган бир дона тарози тоши бор. Улар ёрдамида топшириқни бажарса бўладими? каби экспериментал топшириқларни бажариш жараёнида ўқувчиларда кузатиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва хулосалар чиқариш компетенциялари шаклланади.

Компетентликка йўналтирилган топшириқлардан фойдаланишда ўқувчининг ёши, психофизиологик хусусиятлари ҳамда компетенцияларнинг қайси аспектларини шакллантириш, мавзуни ўзлаштиришнинг қайси босқичида ўқувчиларга топшириқлар берилишини инобатга олиши зарур. Компетентликка йўналтирилган топшириқлар ҳужжатлар билан ишлашга, реал ҳаётни акс эттиришга, тахмин қилишга, изланувчанликка, ахборот тўплашга ҳамда мазмунан прогноз қилишга ўргатади. Бундай топшириқларни даражаларига кўра бир неча гуруҳга ажратиш мумкин:

– қайта тиклаш даражаси (стандарт вазиятларда таянч билимларни қўллаш);

– алоқаларни ўрнатиш даражаси (турли мавзулардаги материалларни интеграция қилиш, график ва жадваллар орқали берилган ахборотларни интерпретация қилиш);

– муҳокама қилиш даражаси (умумлаштириш, ностандарт муаммоларни ечиш, хулосаларни асослаш). Мавжуд дарсликларда бундай типдаги топшириқлар кам учрайди. Шунга кўра, компетентликка йўналтирилган топшириқларни педагогнинг ўзи тузиши ва уларни бажаришда ўқувчи эга бўлган билимларни қайта намоён қилмасдан, улардан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатиши кераклигини инобатга олиши лозим бўлади.


Мазкур топшириқлар ўқувчиларни кўпчилик олдида сўзга чиқиш ва сўзлаш нормалари, регламентига риоя қилиш, маърузадан сўнг тингловчилар бериши мумкин бўлган саволларни ўйлаш ва уларга тахминий жавоб танлаш устида ишлашга ўргатади. Бунда улар гуруҳ бўлиб мулоқотга киришадилар, ўз ғояларини бошқаларга тақдим қиладилар ва бошқаларникини гуруҳ бўлиб муҳокама қиладилар. Бу эса уларда коммуникатив компетенцияни шакллантиради.

Фанни ўзлаштириш, ўқувчилар компетентлигини ривожлантиришда уларнинг мантиқий фикрлашларини ўстириш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, нима сабабдан шам алангасида миҳни эритиб бўлмайди? Бу саволга кўпчилик шам алангасининг температураси миҳни эритишга етмайди деб жавоб

беришади. Лекин шамнинг температураси 1600°C атрофида бўлиб, темирнинг эриш температураси эса 1500°C га яқин. Шу каби топшириқлардан умумлаштириш, назорат қилиш, уй вазифалари сифатида ҳамда, энг муҳими, ўқувчиларда мотивация ҳосил қилишда фойдаланиш мумкин. Ўқувчининг атроф-оламга муносабати, фикрлаши, дунёқараши, жамиятдаги ўрнини топиши, умуман шахс сифатида шаклланишига таъсир қиладиган ташқи омил (унсур)лар шу қадар кўпки, компетенциявий ёндашув уларнинг ичидан керакли маълумотларни ажратиб олиш, мавжуд ахборотлар базасидан самарали фойдаланиш каби глобал муаммолар ечими сифатида қаралади.

Масалан, 9-синфда «Суюқлик ва унинг хоссалари» мавзуси юзасидан куйидаги каби муаммоли вазиятни вужудга келтириш орқали ўқувчиларда мотивация уйғотиш ва ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантириш мумкин (4-расм).

1.Стаканнинг қайси биридаги сув шўрроқ?



2.Сув нега пастга оқади?



4-расм. Ўқув мотивини оширишга йўналтирилган топшириқ намунаси

«Суюқлик ва унинг хоссалари» мавзусини ўрганишда суюқлик ҳақидаги манбаларни топиш, танлаш ва улардан самарали фойдаланиш, суюқлик хоссалари, хусусан, сувнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти, кундалик турмушда қўлланилишини таҳлил қилиш орқали ўқувчиларда таянч компетенциялар шакллантирилади. Табиатда сув каби турли хил хоссаларга эга бўлган суюқлик кам учрайди. Сувнинг фақат ўзига тегишли хусусиятлари мавжуд: 1) сув улкан хотирага эга бўлиб, у ахборотларни тўқима ва тана бўйлаб узата олади; 2) Ер юзасининг қарийб 75% сув билан қопланган; 3) сувнинг иссиқлик сиғими юқори. Шу туфайли сув қуёшдан келаётган иссиқлик энергиясининг катта қисмини ютиб олади ва табиатни ортиқча қизиб кетишдан сақлайди каби маълумотлар берилади ҳамда ўқувчиларга янги ахборотларни излаб топиш вазифаси юклатилади. Бу орқали ўқувчиларда ахборот билан ишлаш компетенцияси шакллантирилади.

Тадқиқот ишининг «Педагогик эксперимент ва унинг натижалари» деб номланган бешинчи бобида педагогик экспериментни ташкил этиш ва ўқувчиларнинг компетентлик даражасини ташхислаш, ўқувчилар компетентлигини ривожлантиришда дарс машғулотлари ва ундан ташқари ҳолатдаги омиллар ҳамда педагогик тажриба-синов натижалари хусусида фикр юритилган.

Эксперимент ўтказиш учун Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 235-мактаб, Тошкент вилояти Пскент туманидаги 5-мактаб ва Самарқанд вилояти Қўшрабат туманидаги 34-мактаблар танлаб олинди. Таълимнинг мактабдан кейинги босқичи ҳисобланган ўрта махсус, касб-хунар таълими

муассасаларини ҳам бир пайтда кузатиш мақсадида Тошкент кимё технологиялар институти қошидаги академик лицей ҳамда 2-Республика тиббиёт коллежларида ҳам тажриба-синовлар олиб борилди. Тажриба синовда 816 ўқувчи иштирок этган бўлса, уларда компетенциялар шаклланиши ва компетентлилик ривожланишида дарсдан ташқари (уйдаги, кўчадаги, ўртоқлари даврасидаги) ҳолатлар ҳам бевосита ўз таъсирини ўтказди. Шу маънода сўровномаларда 96 ўқитувчи, 16 нафар раҳбар ходим ва 472 нафар ота-оналардан ҳам сўровномалар ўтказилди. Ўтказилган дидактик, руҳий-педагогик, ижтимоий-педагогик ва бошқарув бўйича ташхис натижаларига кўра хулосалар чиқарилди ва шу асосда диаграммалар ишланди.

Ҳар қандай ислохотни педагогларсиз ўтказиб бўлмаслиги боис, сўровномада уларнинг дарс бериш жараёнида қандай усуллардан фойдаланиши, мактабда дарс соатларидан ташқари вазифаларни бажаришга қанча вақт ажратиши, қандай педагогик технологияларни қўллаши, фан хонасида белгиланган ўқув лаборатория жиҳозларининг мавжудлиги ҳамда ўтказилаётган тажриба-синовларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан билдирилган таклифлар ўрганиб чиқилди. Шу ўринда ўқитувчиларнинг анкета саволларига берган жавоблари ва таклифларида ўқитувчига дарсдан ташқари бериладиган ортиқча юктамаларни камайтириш ҳақидаги фикрлар ҳам мавжудлигини таъкидлаб ўтиш жоиз (Натижа таҳлиллари ҳақидаги тўлиқ маълумотлар диссертация иловасида келтирилади).

Ўқувчиларда компетенцияларнинг ривожланганлигини аниқлаш мақсадида берилган ақлий ривожланганликни аниқлаш топшириқлари (АРАТ) таркиби 6 та субтестдан иборат бўлиб, ҳар бири ўз ичига 15 тадан 25 тагача топшириқларни қамраб олади. Унда ўқувчиларнинг илмий хабардорлигини мантиқий умумлаштириш, сўзларнинг синоними ва улар орасида маълум бир мантиқий боғланишни топиш, аломатига кўра гуруҳлаш ҳамда мантиқий даврийлик (қонуният)ни топишга қаратилган саволлар мажмуасидан фойдаланилди. Ўқувчиларнинг компетентлик даражасини аниқроқ баҳолашда жавоб вариантларини имкон қадар кўпайтиришга ҳаракат қилинди яъни, бериладиган жавобларни 7 та, -3, -2, -1, 0, +1, +2, +3 гача баҳолаш имконияти берилди.

Ўқувчиларда таянч ва физика фанига оид умумий компетенцияларнинг шаклланганлик ва ривожланганлик динамикасини ўрганиш мақсадида ўқув йилининг бошида, ўртасида ва якунида ўтказилган назорат ишлари икки вариантда бўлиб, 10 та тест саволларидан 7 таси жавоби танланадиган, 3 таси жавоби ёзиладиган қилиб тайёрланди. Ўтказилган назоратларда ўқувчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларини аниқлашга қаратилган тестлар, йил якунида эса комплекс ташхислаш учун физик диктантдан фойдаланилди.

Педагогик тажриба натижаларини статистик таҳлил қилишда χ^2 -статистика усулидан фойдаланилди. Ушбу гипотезалар χ^2 статистика мезонининг T формуласи асосида текширилди. Аҳамиятлилик даражаси $\alpha = 0,05$ бўлган-

да, озодлик даражаси $v=2-1=1$ га тенг, χ^2 жадвалидан олинган $T_{mez}=3,841$ га тенг қиймат олинди, бизнинг тажрибаларимизда $C=2$ га тенг.

$$T = \frac{1}{n_1 n_2} \left\{ \frac{(n_1 O_{21} - n_2 O_{11})^2}{O_{11} + O_{21}} + \frac{(n_1 O_{22} - n_2 O_{12})^2}{O_{12} + O_{22}} \right\}$$

Ҳисоб натижаларига кўра, 2015–2016 ўқув йилида $T = 0,17 < T_{mez} = 3,841$ бўлганлиги учун нолинчи гипотеза қабул қилинади. Бу эса танланган гуруҳларда тажрибадан олдин ўтказилган синов ишларидаги билим даражалари деярли фарқ қилмаслигини билдиради. Тажриба-синов даврида экспериментал кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш натижалари таҳлилга кўра тажриба гуруҳларида 36,2% дан 53,8 % гача ошди. Тадқиқот якунида тажриба ва назорат гуруҳларида ўтказилган назорат ишлари асосида натижалар таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

Назорат ишлари асосида олинган таҳлил натижалари

№	Таълим муассасаси	Тажриба гуруҳи	Ўтди	Ўтмади	Назорат гуруҳи	Ўтди	Ўтмади	χ^2	Хулоса
			n_1	Q_{11}		Q_{12}	n_2		
1	235-мактаб	112	36	76	111	37	74	0,04	H0
			62	50		46	65	4,32	H1
2	5-мактаб	120	42	78	118	40	78	0,03	H0
			75	45		58	60	4,300	H1
3	34-мактаб	65	23	42	61	21	40	0,01	H0
			40	25		26	35	4,514	H1
4	2-РТК	60	23	37	60	24	36	0,03	H0
			39	21		28	32	4,09	H1
5	ТКТИ а/л	55	25	30	54	24	30	0,01	H0
			41	14		30	24	4,33	H1
Умумий		412	149	263	404	146	258	0,000062	H0
			257	155		188	216	20,65	H1

Ҳисоблаш натижаларига кўра $T = 4,3327 > T_{mez} = 3,841$ бўлганлиги учун нолинчи гипотеза инкор қилиниб, H_1 гипотеза қабул қилинади. Бошқача айтганда, назорат гуруҳи талабаларига нисбатан тажриба гуруҳи талабаларининг ўзлаштириш даражаси юқори бўлиб, бу олиб борилган тадқиқот ишлари самарали эканлигини кўрсатади. Демак, биз тавсия этган ўқитиш методикаси анъанавий олиб борилган ўқитиш методикасига нисбатан самарали эканлиги математик-статистика усуллари орқали исботланди. Ўтказилган тадқиқотлар ўқувчилар компетенциясини ривожлантириш юзасидан илгари сурилган илмий фаразнинг тўғри эканлигини тасдиқлади.

ХУЛОСА

«Таянч ва фанга оид компетенциялар асосида таълим мазмунини такомиллаштириш ва ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, фан-техника тараққиёти ва унинг ривожланиш даражаси, бозор иқтисодиёти шароитининг кундалик турмуш тарзига таъсирини инобатга олган ҳолда 6 та таянч: а) коммуникатив; б) ахборот билан ишлаш; в) шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш; г) ижтимоий фаол фуқаролик; д) умуммаданий; е) математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенциялари ва 3 та физика фанига оид: а) физик жараён ва ҳодисаларни кузатиш, тушуниш ва тушунтириш; б) тажрибалар ўтказиш, физик катталикларни ўлчаш ва хулосалар чиқариш; в) физик билимлар ва асбоблардан амалиётда фойдалана олиш компетенциялари белгилаб олинishi компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ва ўқув дастурларини такомиллаштиришга асос бўлди.

2. Ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш моделининг: а) ўқувчиларда фанга бўлган мотивацияни уйғотиш; б) компетентликни ривожлантиришга қаратилган дастурни яратиш; в) усулли воситалардан фойдаланиш; г) педагогик-психологик шарт-шароитларни яратиш тамойилларига асосланиш ўқувчилар компетентлигини ривожлантиришнинг методик асоси эканлиги аниқланди.

3. Тадқиқот жараёнида ўқувчилар компетентлигини аниқлашнинг дидактик, педагогик-психологик, ижтимоий-педагогик ҳамда бошқариш бўйича таркибий қисмлардан иборат ташхислаш усулидан фойдаланиш самарали эканлиги аниқланди.

4. Таълим компетенцияларини шакллантириш: олинган натижаларни таълим мақсадлари билан солиштириш; ташхислаш; қайта (тескари) алоқанинг мавжудлиги; тизимлилик ва доимийлик; оперативлик ҳамда талабларнинг очиклиги каби методларга асосланиш ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш, таълим самарадорлигини ошириш ҳамда объектив натижалар олишга имкон беради.

5. Ўқувчилар компетентлигини ривожлантириш назарияни амалиёт билан боғлаш, амалиётга йўналтирилган ўқув масалалари ва экспериментал топшириқларни бажариш ва педагогикадаги янги технологиялардан фойдаланиш орқали амалга оширилиши ўқувчиларнинг касбий ва ҳаётий фаолиятида физика фанига оид умумий компетенцияларни шакллантиришга хизмат қилиши асосланди.

6. Дарсни ташкил қилишда дарс мақсадининг очиклиги ва унинг ўқувчилар мақсадига мослиги, дарсда ўқув мотивини ошириш тамойилига амал қилиниши ва ўқув вазиятини ҳосил қилиш, ўқувчиларга бериладиган вазифаларни аниқ белгилаш (хусусан, ўқиган матнига доир график ёки диаграмма тузиш, маълум қоида ёки вазифани бажариш бўйича алгоритм

тузиш, ўрганилган ўлчов асбобини ишлата олиш) ўқувчиларнинг компетентлигини ривожлантиришнинг муҳим дидактик талаблари эканлиги асосланди.

7. Шахсга ва ўқувчилар фаолиятини жадаллаштиришга йўналтирилган ҳамда ўқув материални дидактик жиҳатдан такомиллаштиришга асосланган таълим технологияларидан фойдаланиш дарс жараёнида ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришнинг зарурий педагогик омили эканлиги аниқланди.

8. Таълим жараёнидаги педагогик шарт-шароитлар, таълим муассасаси педагоглари ва ота-оналарнинг ҳамкорлиги ўқувчиларда таянч ва фанга оид умумий компетенцияларни шакллантиришнинг асосий тамойилларидан бири эканлиги кўрсатилди.

9. Ўқувчилар мантиқий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган ҳолда тайёрланган дидактик материаллар таълим компетенцияларини шакллантириш динамикасини оширишга хизмат қилиши тадқиқот натижалари асосида тасдиқланди.

10. Таянч ва фанга оид умумий компетенцияларни шакллантириш динамикасини ўрганиш шуни кўрсатдики, танланган ўқитиш методикалари ва ёндашувлар натижасида ўсиш 17 % ни ташкил этди.

Бу билан диссертация мақсадининг тўғри қўйилганлиги, таклиф этилган моделнинг мақсадга мувофиқлиги, унда қўлланилган метод ва усулларнинг юқори натижага эга эканлиги, ўқувчиларда шаклланган компетенцияларни ташхислаш усули самарали бўлганлигини далиллади. Тадқиқот якунида қўлга киритилган илмий хулосалар асосида қуйидаги таклиф ва мулоҳазалар билдирилди:

– таълим тизимига таянч (коммуникатив; ахборот билан ишлаш; шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш; ижтимоий фаол фуқаролик; умуммаданий; математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш) компетенцияларни фанлар уйғунлигида ривожлантиришни таъминлаш технологияларини жорий қилиш;

– компетенциявий ёндашувга асосланган дарсларни ташкил қилишнинг илмий-услубий асослари, манбалари ва намуналарини Интернет сайтларига жойлаштириш;

– умумий ўрта таълим ўқув режасига ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи фанни киритиш;

– мактаб ва академик лицей ўқув режаларининг фан дастурларида белгиланган мавзуларни компетенциявий талаблар доирасида қайта кўриб чиқиш ҳамда умумтаълим мактаб (академик лицей) дарсликларининг қайта нашрида компетентликка йўналтирилган топшириқларни киритиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Ped.01.09
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ,
ТАШКЕНТСКОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

УСАРОВ ЖАББОР ЭШБЕКОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СОДЕРЖАНИЯ ОБРАЗОВАНИЯ И
РАЗВИТИЕ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧАЩИХСЯ НА ОСНОВЕ
ПРЕДМЕТНЫХ И КЛЮЧЕВЫХ КОМПЕТЕНЦИЙ
(на примере обучения физике)**

13.00.02 – Теория и методика образования и воспитания (физика)

**АФТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc) ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.3.DSc/Ped114.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант: **Мухамедов Гофур Исраилович**
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Зайнабиддинов Сирожиддин**
доктор физико-математических наук, академик

Каххоров Сиддик Каххорович
доктор педагогических наук, профессор

Усмонов Шукрулло Ньматович
доктор физико-математических наук

Ведущая организация: **Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в __ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Ped.01.09 по присуждению ученых степеней при Национальном университете Узбекистана, Ташкентском химико-технологическом институте, Ташкентском государственном педагогическом университете. (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (+998) 71-246-67-35; факс: (+998) 71-246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета имени Мирзо Улугбека (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Тел.: (+998) 71-246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2019 года).

М.Арипов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., проф.

Д.М.Махмудова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.п.н. (PhD)

М.Тухтасинов

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению научных степеней, д. ф.-м. н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В процессе общемировой глобализации в развитии предметов и научно-технической сферы важное место занимают компетентные кадры. В международном объеме широко используются направленные на оценку компетентности кадров и повышение знаний учащихся такие программы, как Международная программа по оценке компетенции взрослого населения (PIAAC), Международная программа по оценке знаний учащихся (PISA)¹. Гармонизация профессионального мастерства с качествами личности, прогрессивный рост таких требований как быстрое приспособление к различным изменениям являются причиной последовательного активного внедрения в процессы образования компетентного подхода.

В ведущих научных центрах и высших учебных заведениях проводятся такие научные исследования, как изучение внедрения принципов компетенционного подхода к содержанию стандартов профессионального образования, общеобразовательных предметов, их влияния на изменения звеньев педагогической системы, концепции независимого достижения результатов образования, интерпретации компетенционного подхода, компетенций, относящихся к социальной и одной определенной сфере деятельности.

Происходящие в системе образования нашей страны реформы, потребность в компетентных кадрах вызвали необходимость формирования компетенции образования в процессе обучения каждому учебному предмету, в частности, обучению предмету физики. В концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года определены такие задачи как «... качественное обновление содержания непрерывной системы образования, совершенствование методики обучения, обратить внимание на глубокое изучение предмета физики, разработать критерии оценки педагогической деятельности, основанной на компетенциях, предусмотренных государственными образовательными стандартами»². А это обосновывает необходимость определения на примере предмета физики совершенствование методики обучения, развитие содержания образования и повышение компетентности учащихся, необходимых опорных и касающихся предмета физики компетенций, на основе опорных и относящихся к предмету физики общих компетенционных подходов.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени соответствует задачам, предусмотренным в Указах Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы»,

¹ PIAAC-The Programme for the International Assessment of Adult Competencies. Центр гуманитарных технологий, 2006–2019. <https://gtmarket.ru/research/piaac/info>; PISA-Programme for International Student Assessment. <https://gtmarket.ru/research/pisa/info>.

² Постановление Президента Республики Узбекистан № ПФ-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении концепции Республики Узбекистан о развитии системы народного образования до 2030 года» // Национальная база сведений о законодательных документах, 06/19/5712/ № 3034, 29.04.2019 г.

№УП-5712 от 5 сентября 2018 года «Об утверждении концепции развития системы народного образования в Республике Узбекистан до 2030 года», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП 3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных учреждениях и обеспечения их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – I. «Духовно-нравственное развитие демократического правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Фундаментальные и практические исследования по компетентностному подходу к образованию, к вопросам компетенции и компетентности учащихся, проводятся в ведущих научных центрах мира и учебных заведениях, в частности в University of Nevada (США), University of Bayreuth (Германия), University of Kent (Великобритания), University of Uppsala (Швеция), Nord University, Буде, (Норвегия), National University of Singapore (Сингапур), Уфимском государственном университете (Россия), Белорусском государственном университете (Белоруссия), университете Хоккайдо (Япония), Национальном университете Узбекистана, а также в Самаркандском государственном университете (Узбекистан)

В мировом масштабе проводятся исследования по компетентностному подходу к обучению физике, организации современных учебных занятий интерактивными программными средствами, а также их эффективности, в том числе получены следующие научные результаты: разработаны интерактивные технологии обучения по компетентностному образованию (Leiden University); разработаны интерактивные программные инструменты, основанные на компетентностном подходе к развитию научного мировоззрения учеников (Polish Society for Human Evolution Studies); разработана модульная система образования, основанная на интеграции и дифференциации приоритетов учебного, методического и исследовательского процессов (Center for Cellular and Molecular Biology); разработана методика использования международных оценочных программ PISA (Programme for International Student Assessment) для развития естественной и научной грамотности (Российский институт стратегий развития образования).

В мире проводятся исследования по ряду приоритетных направлений подготовки будущих компетентных специалистов, в том числе: улучшение

³ Гоулман Д. Эмоциональный интеллект в бизнесе. – М.: «Манн, Иванов и Фербер», 2013. – С. 512; Митина Л.М. Профессиональная деятельность и здоровье педагога: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: «Академия», 2005; Хуторской А.В. Технология проектирования ключевых и предметных компетенций. Инновации в образовательной школе. Методы обучения: сборник научных трудов. – М.: ГНУ ИСМО РАО, 2006. – С. 65-79; Бермус А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентностного подхода в образовании. – М.: «Эйдос», 2005. <http://www.eidos.ru/journal/2005/0910-12.htm>.

методологических условий для развития мировоззрения учеников с помощью электронного программного обеспечения; формирование системы компетенций для развития логического и научного мышления, формирование системы естественных и научных компетенций учеников по работе с виртуальными лабораториями, повышение роли педагогического инновационного образовательного кластера и совершенствование методической поддержки учеников в исследовательской деятельности.

Степень изученности проблемы. Если вначале понятия «компетенция» и «компетентность» определяли необходимость общения между собой представителей разных национальностей, то на сегодняшний день они также непосредственно охватывают и систему образования, его содержание и практическое значение. Определенные требования данных понятий, опора на систему образования и подход к вопросам формирования, касающиеся предмета и межпредметных компетенций, в Европе начался немного раньше.

В исследованиях ученых Содружества Независимых Государств (СНГ) В.П.Симонова, А.И.Субетто, А.В.Хуторского и др.⁴ понятия развития и формирования компетентности личности интерпретируются по-разному. Быстрое изменение на рынке труда определяется обращением внимания работодателей не только на знания работника, его навыки и квалификацию, но и на личные качества. В этой связи в педагогико-психологическом направлении в России в качестве примера можно привести исследования И.Я.Лернера, В.В.Краевского, В.В.Давыдова⁵.

В развитых зарубежных странах проблему выражения и формирования структуры базовых компетенций в зарубежной теории и практике такие авторы как С.Шо, Б.Оскарссон, А.Шелтон, В.И.Байденко, А.М.Новиков и другие⁶ рассматривали в основном в профессиональном образовании. Они рассматривали базовые компетенции, во-первых, в качестве широкого диапазона специализаций деятельности личности; во-вторых, в качестве «тоннельной» взаимосвязи знаний и навыков в любой профессиональной и рабочей деятельности, т.е. если в первом мнении учитывались качества личности, то во втором мнении подчеркивалась приоритетность навыков.

⁴ Симонов В.П. Моделирование и оценка качества научно-исследовательской работы в образовательных системах. Учебно-методическое пособие для системы высшего и среднего профессионального образования. – М.: Перспектива, 2010. – 92 с.; Симонов В.П. Педагогическая диагностика в образовательных системах. – М.: Перспектива, 2010. – 264 с.; Субетто А.И. Онтология и эпистемология компетентностного подхода, классификация и квалиметрия компетенций [Текст] / А.И. Субетто. – СПб. – М.: Исслед. центр проблем качества подготовки специалистов, 2006. – 73 с.; Хуторской А.В. Технология проектирования ключевых и предметных компетенций. Инновации в образовательной школе. Методы обучения: сборник научных трудов. – М.: ГНУ ИСМО РАО, 2006. – С. 65-79.

⁵ Краевский В.В. О культурологическом и компетентностном подходах к формированию содержания образования / Доклады 4-й Всероссийской дистанционной августовской педагогической конференции «Обновление российской школы». – М., 2002. – С. 17-23; Давыдов В.В. Проблемы развивающего обучения. М., 1986. С. 94; Лернер И.Я. Дидактические основы методов обучения. М.: Педагогика, 1981. – 186 с.

